

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ							
Тўлик:				“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки			
Қискартирилган:				“Трастбанк” ХАБ			
Биржа тикерининг номи:*				TRSB			
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
Жойлашган ери:				Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7 уй			
Почта манзили:				Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7 уй			
Электрон почта манзили:*				info@trustbank.uz			
Расмий веб-сайти:*				www.trustbank.uz			
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ							
Муҳим фактнинг рақами:				06			
Муҳим фактнинг номи:				Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар			
Умумий йиғилиш тури:				Йиллик			
Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:				2023 йил 19 май			
Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:				2023 йил 19 май			
Умумий йиғилиш ўтказилган жой:				Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7 уй			
Умумий йиғилиш кворуми:				72,19%			
N	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш якунлари					
		Ўқлаш		Қарши		Бетарафлар	
		%	сони	%	сони	%	сони
1.	«Трастбанк» ХАБнинг 2022-йил фаолияти якунлари ва 2023-йил учун ривожланиш истикболлари тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш.	100%	404 438 205	-	-	-	-
2.	Банк Тафтиш комиссияси (Тафтишчиси)нинг 2022-йил якунлари бўйича хулосасини тасдиқлаш.	100%	404 438 205	-	-	-	-
3.	2022-йилнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, ҳисобот таркиби: <ul style="list-style-type: none"> - молиявий ҳолат тўғрисида жамланган ҳисобот, - фойда ва зарар ва бошқа умумий даромадлар тўғрисида жамланган ҳисобот, - капиталда ўзгаришлар тўғрисидаги жамланган ҳисобот, - пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги жамланган ҳисобот, - 2022-йилда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги 	100%	404 438 205	-	-	-	-

4.	Аксияларнинг 26 қўшимча чиқарилиши яқунлари ва Банк устав капиталининг янги миқдорини тасдиқлаш.	99,999999%	404 438 201	0,000001%	4	-	-
5.	Еълон қилинган аксияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш.	99,999895%	404 437 781	0,000001%	4	0,000104%	420
6.	Банк Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.	99,999999%	404 438 201	0,000001%	4	-	-
7.	“Трастбанк” хусусий аксиядорлик банки бошқаруви тўғрисидаги Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.	100%	404 438 205	-	-	-	-
8.	“Трастбанк” хусусий аксиядорлик банки кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.	100%	404 438 205	-	-	-	-
9.	“Трастбанк” хусусий аксиядорлик банки аксиядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомга ўзгартириш киритиш.	100%	404 438 205	-	-	-	-
10.	2022-йилда олинган фойдани тақсимлаш.	100%	404 438 205	-	-	-	-
11.	Банк фаолиятининг 2023-йилнинг 1-ярим йиллиги ва 2023-йил яқунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш, шартномаларни тузиш ҳамда аудит хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг юқори миқдорини тасдиқлаш.	99,999981%	404 438 128	0,000019%	77	-	-
12.	«Трастбанк» ХАБ Бошқаруви Раиси билан меҳнат шартномаси тузиш тўғрисида.	99,999980%	404 438 124	0,000020%	81	-	-
13.	Балансдан ташқари ҳисобларда ҳисоби юритилаётган, умидсиз активларни ундириш бўйича 2022-йилда қўрилган чоралар тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш.	99,999981%	404 438 128	0,000019%	77	-	-
14.	Балансдан ташқари ҳисоб рақамда юритилаётган активларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги 2022-йил 18-ноябрдаги 163-сонли ва 2022-йил 2-декабрдаги 172-сонли Банк Кузатув кенгашининг баённомалари қарорларини тасдиқлаш.	99,999872%	404 437 688	0,000019%	77	0,000109%	440
15.	Банк Кузатув Кенгашининг 2022-йил яқунлари бўйича корпоратив бошқарув меъёрларига риоя этилаётганлиги ҳақида ҳисобот.	100%	404 438 205	-	-	-	-
16.	Банк Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.						
17.	“Трастбанк” ХАБ Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) бекор қилиниши ва “Трастбанк” ХАБнинг Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тўғрисидаги Низомни ўз кучини йўқотган деб топиш.	99,999997%	404 438 193	-	-	0,000003%	12
18.	Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.	100%	404 438 205	-	-	-	-
19.	Белгиланган муддатда (3 йилдан ортиқ) талаб қилиб олинмаган дивидендларни банк ихтиёрига қайтариш.	99,999692%	404 436 961	0,000021%	85	0,000287%	1 159

20.	2022-йил якуни бўйича Банкда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.	100%	404 438 205	-	-	-	-
21.	Агар икки ва ундан ортиқ Кузатув кенгашининг аъзолари афилланган шахслар бўлса афилланган шахс билан келгусида кундалик хўжалик фаолияти жараёнида аксиядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш тўғрисида.	99,999996%	404 438 189	0,000004%	16	-	-

**Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:
(ушбу 06-муҳим фактнинг рус тилидаги матнига қаранг)**

Эмитентнинг ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари фойдасига ҳисобланган ва тўланган ҳақ ва (ёки) компенсациялар***

	Т/р	Ф.И.Ш.	Шахс аъзоси ҳисобланган эмитент органининг номи	Тўлов тури (ҳақ ва (ёки) компенсациялар)	Ҳисобланган сумма (сўм)	Маблағлар ҳисобланган давр	Тўлов назарда тутилган эмитент ҳужжати
	-	-	-	-	-	-	-

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:

Кандидатлар тўғрисида маълумот

N	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Уларга тегишли акциялар		Овозлар сони
			сон	тури	
1.	Шарипов Тохир Мирахимович	«ALUTEX» МЧЖ	122 777 107	Простые	404 438 205
2.	Давыдкин Михаил Викторович	«Mega Trade Communication» МЧЖ	-	-	404 438 205
3.	Адилова Сурайё Муробитовна	«DIMINUR GROUP» МЧЖ	-	-	404 438 205
4.	Ходжаев Жалолоддин Ахматджанович	«ALUTEX» МЧЖ	-	-	404 438 205
5.	Салимов Умиджан Закирджанович	«ALUTEX» МЧЖ	-	-	404 438 205
6.	Худояров Бахтиёр Ишмуминович	Нафақа	-	-	404 438 205
7.	Каримова Махира Шадибековна	«PRESYSTEM UNIVERSAL» МЧЖ	-	-	404 438 205

Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни**

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки
Уставига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 26 банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Банкнинг устав капитали 560 250 000 000 (Беш юз олтмиш миллиард икки юз эллик миллион) сўм миқдорида шакллантирилган ва қуйидаги акцияларга тақсимланган:

Оддий – 560 227 000 (Беш юз олтмиш миллион икки юз йигирма етти минг) дона;

Имтиёзли – 23 000 (Йигирма уч минг) дона.

2. 27 банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Устав капиталини қўпайтириш мақсадида Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 500 000 000 (Беш юз миллион) дона, жумладан:

Оддий акциялар – 500 000 000 (Беш юз миллион) дона.

3. 110-бандининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банк акциядорлари умумий йиғилиши чақирилишидан 10 кун олдин Банкнинг кузатув кенгаши ва Банк тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчисига) ушбу кенгашнинг ва комиссиянинг (тафтишчиларнинг) сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.

4. 115 банднинг бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Банк кузатув кенгаши таркибига миноритар акциядорлар манфаатларини қўллаб – қувватловчи аъзолар киритилиши мумкин. Банк кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, бунда кузатув кенгаши таркибига киритиладиган мустақил аъзо сони алоҳида кўрсатилиши керак. Банк кузатув кенгаши 7 (етти) кишидан иборатдир. Банк кузатув кенгаши аъзоларининг қўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Банк кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно”.

5. 121 банднинг иккинчи қисмида "лозим бўлган шахслар сонига" деган сўзлар "керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 125 бандининг биринчи қисмидаги "8 (саккиз)" деган сўзлар "9 (тўққиз)" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 133 бандининг биринчи қисмида “Банк кузатув кенгаши тасдиқланган” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8. 138 банди қуйидаги мазмундаги туртинчи қисм билан тўлдирилсин:

“Агар банкнинг Бошқаруви томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида банкка зарар етказилган бўлса ва бунда Бошқарув раисининг ёки бошқарув аъзоларининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда банкнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади”.

9. 145-бандининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар Банкка Банк кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш тартиби мустасно”.

10. 157-бандининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Банк акциядорларининг умумий йиғилишида Банк тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш мумкин. Тафтиш комиссиясининг таркиби, тафтишчини тайинлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.